

XII. ИСТЕММОЛ БОЗОРИ


2019 йилнинг январь-сентябрида чакана савдо товар айланмаси 114 954,0 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 107,0 % ни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 30,2 % га ўсиб, 18 005,9 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 15,7 % ни ташкил қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 3,5 % га ўсиб, 96 948,0 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 84,3 % ни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси таркиби, % да

(январь-сентябрь, млрд. сўм, улуш %)




2019 йилнинг январь-сентябрида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қўйидагича ифодаланади:

Давлат мулки 208,6 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,2 % ни ташкил қилди.

Нодавлат мулки 114 745,4 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,8 % ни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмида энг катта улущи Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 23,9 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 11,2 %, Самарқанд вилояти 8,4 %, Фарғона вилояти 7,9 % ва Андижон вилояти 7,5 % ни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,8 %, Қорақалпогистон Республикаси 3,3 % ва Жиззах вилояти 3,5 % улущи билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуси (% ҳисобида)



2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмасида ўсиш суръати 130,2 % ни ташкил этди. Ўз навбатида, Сирдарё вилоятида (2018 йилнинг шу даврига нисбатан 2,3 м.га), Навоий (81,4 % га), Наманганд (61,0 % га), Самарқанд (57,6 % га), Хоразм (53,8 % га), Қарақалпогистон Республикаси (41,9 % га), Сурхондарё (35,8 % га) вилоятларида юқори ўсиш кузатилди.

Овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 3 189,6 млрд. сўмни ташкил этди ва 7,9 % га ўсади. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуси 2,8 % ни ташкил этди.

Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 43,3 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 10,3 %, Бухоро вилояти 7,1 %, Самарқанд вилояти 6,8% ни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,2 %, Хоразм вилояти 2,0 % ва Жиззах вилояти 2,6 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

Чакана товар айланмаси
(2019 йил январь-сентябрь, умумий овқатланишини қўшган ҳолда)

	Жами		Аҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2018 йил январь- сентябрга нисбатан % да	минг сўм	2018 йил январь-сентябрга нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	114 954,0	107,0	3 432,5	105,0
Қорақалпоғистон Республикаси	3 823,3	108,7	2 033,9	107,1
вилоятлар:				
Андижон	8 592,4	106,0	2 782,1	104,1
Бухоро	7 091,1	108,0	3 721,6	106,4
Жizzах	4 079,1	108,4	2 991,8	106,1
Қашқадарё	6 983,8	102,3	2 157,3	100,3
Навоий	4 587,8	108,6	4 653,0	106,7
Наманган	6 894,6	108,3	2 485,3	106,2
Самарқанд	9 696,9	107,5	2 533,2	105,3
Сурхондарё	7 032,9	106,9	2 714,3	104,5
Сирдарё	2 039,7	110,7	2 440,5	108,7
Тошкент	12 863,4	104,7	4 414,2	103,3
Фарғона	9 087,0	104,8	2 450,6	102,9
Хоразм	4 739,8	113,6	2 567,6	111,7
Тошкент ш.	27 442,1	107,8	10 836,4	105,6


Чакана савдо товар айланмаси (овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда) ахоли жон бошига 5,0 % га ошиб, 3 432,5 минг сўмни ташкил этди (2018 йил январь-сентябрь ойларида 2 870,9 минг сўмни ташкил қилган эди). Ўртacha жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичларни Тошкент шаҳри (10 836,4 минг сўм), Навоий вилоятида (4 653,0 минг сўм) ва Тошкент вилоятида (4 414,2 минг сўм), энг паст кўрсаткичларни эса Қорақалпоғистон Республикаси (2 033,9 минг сўм), Қашқадарё вилоятида (2 157,3 минг сўм) Сирдарё вилоятида (2 440,5 минг сўм) ва қайд этди.



2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида чакана савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмаси 2,8 фоизни ташкил этиб, 3189,6 млрд. сўмга етиб ёки ўтган йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 7,9 фоизга ўсишга эришилди. Бунда жами савдо айланмасининг 83,4 фоиз улуши кичик тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келмоқда.

Шунингдек, умумий овқатланиш ташкилотларининг товар айланмасида йирик корхоналар улуши 16,6 фоизни ташкил этиб, худудлар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак энг юқори улуш Тошкент ш. (24,9 %), Тошкент вилояти (22,6 %), ва Сурхондарё (13,6 %) вилоятларига тўғри қилмоқда.

**Чакана савдо айланмасида йирик корхоналар,
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши, %**
(2019 йил январь-сентябрь)



2019 йилнинг январь-сентябрида улгуржи савдо товар айланмаси 56 710,2 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 106,4 % ни ташкил қилди. Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 9,7 % га ўсиши кузатилиб, ҳажми 16 531,8 млрд. сўмни ва жами улгуржи савдо товар айланмасида 29,2 % ни ташкил этганини кўриш мумкин.

Хусусан, йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати ўсган бўлсада, айrim ҳудудларда товар айланмасининг камайиши кузатилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси ўтган давирга нисбатан 5,0 % га ўсиши кузатилиб, 40 178,4 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 70,8 % ни ташкил қилди.

Улгуржи савдо товар айланмаси

(2019 йил январь-сентябрь)

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Жамига нисбатан, % да</i>	<i>2018 йил январь-сентябрга нисбатан % да</i>
Ўзбекистон Республикаси	56 710,2	100,0	106,4
Қорақалпоғистон Республикаси	1 268,7	2,2	114,6
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	1 944,2	3,4	104,4
Бухоро	1 660,5	2,9	97,8
Жиззах	1 657,0	2,9	118,3
Қашқадарё	1 983,3	3,5	96,2
Навоий	1 623,6	2,9	102,2
Наманган	1 616,1	2,8	107,7
Самарқанд	4 025,8	7,1	109,3
Сурхондарё	1 736,5	3,1	99,4
Сирдарё	1 046,9	1,8	98,5
Тошкент	5 037,0	8,9	92,6
Фаргона	3 740,0	6,6	108,5
Хоразм	1 366,4	2,4	104,9
Тошкент ш.	28 004,3	49,4	110,4

Ҳудудлар кесимида улгуржи савдо ҳажми

(2019 йил январь-сентябрь)

	Жами (млрд.сўм)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан % да	Йирик корхоналар (млрд.сўм)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан % да	Кичик корхоналар (млрд.сўм)	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	56 710,2	106,4	16 531,8	109,7	40 178,4	105,0
Қорақалпоғистон Республикаси	1 268,7	114,6	541,4	138,8	727,4	101,4
вилоятлар:						
Андижон	1 944,2	104,4	626,4	107,2	1 317,7	103,1
Бухоро	1 660,5	97,8	553,9	84,5	1 106,6	106,1
Жиззах	1 657,0	118,3	680,5	121,8	976,5	116,0
Қашқадарё	1 983,3	96,2	747,2	81,7	1 236,1	107,8
Навоий	1 623,6	102,2	921,6	103,8	702,1	100,2
Наманган	1 616,1	107,7	809,0	114,8	807,1	101,5
Самарқанд	4 025,8	109,3	1 192,2	130,2	2 833,6	102,4
Сурхондарё	1 736,5	99,4	557,7	86,4	1 178,8	107,1
Сирдарё	1 046,9	98,5	371,0	90,0	675,9	103,9
Тошкент	5 037,0	92,6	2 672,7	84,2	2 364,3	104,3
Фарғона	3 740,0	108,5	773,1	109,3	2 966,8	108,3
Хоразм	1 366,4	104,9	526,1	101,5	840,4	107,1
Тошкент ш.	28 004,3	110,4	5 559,2	138,9	22 445,1	105,0

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

чакана савдо – савдо соҳасида якуний истеъмол учун аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда нақд пулга сотишни назарда тутувчи фаолият, яъни товарларни фойдаланиш соҳасидан шахсий ёки умумий истеъмол соҳасига ўтган вақтдаги харакатининг якуний босқичини ифодалайди;

чакана товар айланмаси – товарларни сотиш тармоқларидан қатъий назар, аҳолига истеъмол товарларини нақд ҳисоб-китоб асосида ёки пластик карточкалари, кредит карточкалари, банкларнинг ҳисоб чеклари орқали (бу ҳам нақд ҳисоб-китоб асосида сотиш каби ҳисобга олинади) сотилган қиймати;

умумий овқатланиш – юридик шахслар томонидан пазандачилик маҳсулотларини тайёрлашга, сотишга ва истеъмолини ташкил қилишга ихтинослаштирилган фаолиятни амалга ошириш;

умумовқатланиш айланмаси жойида аҳолига истеъмол учун, шунингдек турли контингентдаги аҳолини овқатланишини ташкил қилиш учун ташкилот ва якка тадбиркорларга ўзи ишлаб чиқарган кулинария маҳсулотларини (таом, кулинария маҳсулотлари ва яримфабрикатлар), шунингдек кулинария ишловисиз сотиб олинган товарларни (унли, қандолатли ва нон маҳсулотлари) сотишдан тушган тушумни ифодалайди;

товар захиралари – чакана савдо корхоналари балансида турган ва келгусида сотиш учун мўлжалланган товарлар қолдиги;

товар айланмасининг товар тузилмаси – умумий савдода нисбий кўрсаткич – жамига нисбатан фоиз ҳисобидаги солиштирма оғирлик (улуш) ёрдамида акс этадиган, умумий товар айланмаси ҳажмидаги алоҳида товар ва товар гурухлари ўртасидаги нисбат, яъни товар айланмаси таркиби.

улгуржи савдо - тижорат мақсадларида ёки ўзининг ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжларига фойдаланиш учун, харид қилинган товарларни нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакли бўйича сотиш;

истеъмол товарлари – якуний истеъмолга (оилавий ёки шахсий) қаратилган, бевосита инсон эҳтиёжини қондирадиган товарлар ва хизматлар;

техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар – ишлаб чиқариш истеъмоли учун мўлжалланган маҳсулот: хом ашё, материаллар, ёқилғи, бутловчи инструментлар, машиналар, эҳтиёт қисмлар, яримфабрикатлар ва бошқаларни ўз ичига олади;

улгуржи савдо товар айланмаси – тузилган шартномалар бўйича тижорат мақсадларида (келажакда қайта ишлаш ёки сотиш) ёки ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида товарлар сотишдан тушумни ифодалайди;

товар захиралари – товар муомаласи доирасида бўлган товарлар ёки улгуржи корхоналар балансида турган ва келгусида сотишга мўлжалланган товарлар қолдиги;

товар айланмасининг товар тузилиши – товар айланмаси таркиби, умумий савдода нисбий кўрсаткич – жамига нисбатан фоиз ҳисобидаги солиштирма оғирлик (улуш) ёрдамида акс этадиган, умумий товар айланмаси ҳажмидаги алоҳида товар ва товар гурухлари ўртасидаги нисбат.